



**На қилғайман, Худоё?
(Хожа Ахмад Яссавий)**



Умрим охир бўлгонда, на килгайман, Худоё?
Жон олгувчи келганда, на килгайман, Худоё?
Жон бермакни(нг) ваҳтидин, Азозилни(нг) заҳмидин,
Шафкат бўлмаса Сандин, на килгайман, Худоё?
Жон бермак иши душвор, осон килгил, ё Жаббор,
Сандин ўзга йўқ гамхўр, на килгайман, Худоё?
Жоним жудо бўлганда, таним мунда колганда,
Тахта узра олgonда, на килгайман, Худоё?

Ожиз бўлуб ётконда, фаришталар кирганда,
«Ман роббук?» деб сўрганда, на килгайман, Худоё?
Элтиб гўрга кўйгонда, етти кадам юргонда,
Сўргувчилар кирганда, на килгайман, Худоё?
«Ман роббук?» деб турганда, каро кундур ўшандা,
«Роббинг кимдур?» деганда, на килгайман, Худоё?
Кул Хожа Ахмад, сан banda, нафс илгида шарманда,
Махшар куни бўлгонда, на килгайман, Худоё?

Шарҳ: На килгайман, Худоё?

Ё Аллоҳу Карим, ё Роҳманир - роҳийм! Умримнинг сўнгги лахзалари якинлашиб, жон олгувчи фаришта Ўзинг берган омонат — жонимни олгани келганида холим нима кечарини билолмай кайгудаман. Сакаротул мавт - ўлим жараёни юз берар паллада, жон бериш ваҳмидан вужудим совук терга ботганда Ўзинг шафкат килмасанг, эй Худойим, ахволим танг, холим хароб бўлур. Инсон учун жон бермокдан кўра кўркинчлирок, азоблирок иш йўқ. Жон берар сониямда Ўзинг гамхўрим, таянчим бўлгин, эй Худоё. Сенинг раҳм-шафкатинг билан жонимни осон топширсам, бунда колмиш жонсиз жонимни тахта узра олиб, ювиб-тарасалар, «салоти жаноза» деб жанозам ўқисалар, сўнглаҳад ичра ёлгиз ташлаб кетсалар, холим нима кечар экан? Зулмат каърида ожиз ётганимда Мункар ва Накир исмли икки фаришта ёнимга келсалар, «Роббинг ким, эй banda», дея сўрок килсалар, не деб жавоб киламан?! Эй кул Хўжа Ахмад, хаётингни нафсу хавога совурма. Умр киска, киёмат якин. Махшар кунида холинг не кечар. Ё Худоё, ўзинг бандам дегин, биз гофил бандаларга раҳм этгин.

Рахматуллоҳ Носирнинг
"Соз билан сухбат" китобидан